

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ЛОЛА МУЗАФАРОВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН КАМОЛОТИ**  
**ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ**  
**АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Каримова Лола Музафаровна**

Абдурахмон Жомий таълимотида инсон камолоти ҳақидаги ғоялар  
ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.....3

**Каримова Лола Музафаровна**

Идеи о совершенном человеке в учении Абдурахмана Джами и их  
значение в воспитании подрастающего поколения.....23

**Karimova Lola Muzafarovna**

The ideas of Abdurakhman Jami on perfect person and their significance in the  
upbringing of the younger generation.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications .....47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ЛОЛА МУЗАФАРОВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН КАМОЛОТИ**  
**ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ**  
**АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fal409 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Наврўзова Гулчехра Неъматовна</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Махмудова Гули Тилавовна</b> фалсафа фанлари доктори, профессор <b>Музаффаров Фируз Давронович</b> фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Шодмонов Қ.Б.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А.З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Ҳ.Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда Шарқ фалсафий донишмандлик анъаналари алоҳида аҳамият касб этади. Буюк мутафаккирларнинг умумтасаввуфий ва гуманистик моҳиятга эга мероси бугунги маданий жараёнларни уйғунлаштириш, умуминсоний қадриятларни асраб қолиш учун назарий аҳамиятга эга бўлиб, барча халқларнинг маънавий-ахлоқий, диний-ирфоний, илмий жиҳатдан ривожланишига имконият яратади. Айниқса, глобаллашув жараёнига хос бўлган ахлоқий бузилишлар кучайиб бораётган даврда жамият аъзолари, айниқса ёшларни “маънавий қашшоқлик” ва “ахлоқий таназзул” каби иллатлардан ҳимоя қилишда Абдурахмон Жомий илмий меросидан самарали фойдаланиш ўзига хос ғоявий, маънавий-маърифий, фалсафий-тарихий аҳамият касб этади.

Жаҳон илм-фанида ёш авлодни тарбиялашнинг янги мезонларини тарихий генезис орқали очиб беришда, айниқса Шарқ мутафаккирларининг бой илмий-маънавий мероси доирасида инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Абдурахмон Жомийнинг инсон камолоти ҳақидаги ғояларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, янги замонaviй ёндашувлар асосида “Баҳористон” ва “Лавоҳ” асарларидаги тарбиявий ғояларини таҳлил этиш, уларнинг ёш авлод камолотидаги аҳамиятини бугунги кунда ёшлар тарбиясига қўйилаётган талаблар асосида илмий-назарий ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жомийнинг инсон камолотига доир фалсафий қарашлари моҳиятини ўрганиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш инсон тўғрисида яхлит, тугал илмий хулосалар чиқариш заруриятини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, улардан ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш, жаҳонга машҳур алломаларимиз, мутафаккирларимиз илмий-маънавий меросини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси халқаро маркази қад ростламоқда”<sup>1</sup>. Маънавий ва ижтимоий-иқтисодий янгилаш шароитида Ўзбекистонда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган маънавий маданиятни янада ривожлантириш ва ёшлар тарбиясида Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, диний ва дунёвий билимлар мутаносиблигини таъминлаш, дунёвий тафаккурни шакллантириш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.36.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илм-фанида ўз ўрнига эга бўлган шарқшунос, исломшунос ва файласуф олимлар А. Шиммель, Дж. С. Тримингэм, Идрис Шоҳ тадқиқотларида тасаввуф тарихи ва фалсафаси, Абдурахмон Жомий мероси билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. У. Яхё, А. Зарринқўб, К. Муҳаммадий, П. Морведж, У. Турар, М.А.Жўшон<sup>2</sup> томонидан ваҳдат ул-вужуд таълимотига оид қарашлар ўз ифодасини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари М. Ражабов, А. Афсаҳзод, А. Муҳаммедходжаев, Е. Э. Бертельс, А. Н. Болдырев, А. Д. Кныш каби шарқшунос олимлар тадқиқотларида тасаввуф ва ислом фалсафасининг

---

<sup>2</sup> Қаранг: Annemarie Schimmel Festschrift/ Maria Eva Subtelny, ed. Cambridge: Dep. of Near Eastern Languages and Civilizations, Harvard Univ., 1994. – 962 p; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 84; Идрис шоҳ. Нақшбандий тариқати. – Тошкент, 1993. – 184 б.; А. Jami. Al-Durrat al-Fakhirah. QArabic Commentary of Abd al-Ghafur al-Lari end Persia Commentary of Imad al-Davlah. Edited by N.Heer and A.MusaviBehbahani. / McGill UniversityMontreal Canada, Institute of Islamik Studies. In Collaboration with Tehran University. – Tehran, 1980.; Osman Yahia. Histore et Classification De L`Ibn Arabi. – Damas, 1969; Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ул-Маккия, 1-жилд. Таҳқиқ: Усмон Яхё. – Миср, 1392; Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ул-Маккия, 2-жилд. Таҳқиқ: Усмон Яхё. – Миср, 1392; Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ул-Маккия, 3-жилд. Таҳқиқ: Усмон Яхё. – Миср, 1392.; Зарринқўб А. Жустужў дар тасаввуф-э Ирон. – Душанбе: “Ирфон”, 1990.; Муҳаммадий К. Ибн Арабий. Бузург-э олам-э эрфон-э назарий. – Техрон: Созмон-э чоп ва энгэшорот-э Вазорат-э Фарҳанг ва эршод-э есломи, 1381.; Morewedge P. Al-Jami’s Tredtise on Existence, Islamic Philosophial Theology, ed. by, Albany, 1977.; Турар У. Тасаввуф тарихи. Туркчадан Н.Ҳасан таржимаси. – Тошкент, 1999.; Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: “Чўлпон”, 1998; Жўшон М.А. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. / Туркчадан С.Сайфуллох таржимаси. – Тошкент, 1999.

баъзи жиҳатлари очиб берилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда олимлар Н. Комилов, Б. Валихўжаев, И. Ҳаққул, Ш. Сирожиддинов, С. Сайфуллоҳ, М. Кенжабек тасаввуфнинг бадиий ижод билан боғлиқ масалаларини, М. Н. Болтаев, Р. Носиров, Х. Аликулов, Г. Наврўзова, С. Каримов, Р. Шодиев, А. Ҳусейнова, Ж. Холмўминов тасаввуфнинг тарихий-фалсафий томонларига оид тадқиқотлар олиб борганлар<sup>4</sup>.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда Шарқ мутафаккирлари, жумладан Абдурахмон Жомий илмий мероси билан боғлиқ айрим масалалар талқини берилган. Бироқ Абдурахмон Жомийнинг инсон камолоти ҳақидаги ғояларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти, инсон ва унинг ҳаёти, камолоти масалалари ўзига хос чуқур инсонпарварлик тамойиллари асосида фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АIF 2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини ошириш” (2017–2021 йй.) илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абдурахмон Жомий маънавий меросидаги инсон камолотига оид ғояларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIII-XV асрларда Мовароуннаҳр ҳамда Хуросондаги ижтимоий-маданий ва маърифий муҳитни тадқиқ этиш;

мутафаккир илмий дунёқараши шаклланишининг фалсафий асосларини очиб бериш;

---

<sup>3</sup> Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе, 1968; Ражабов М. Абдурахмони Жомии ва фалсафаи тоҷик дар асри XV. – Душанбе: “Ирфон”, 1968.; Афсаҳзод А. Жомий – шоири ғазалсаро. Душанбе: Маориф, 1980. - 220 с.; Мухаммедходжаев А. Идеология Накшбандизма. – Душанбе: “Дониш”, 1991.; Бертельс Е.Э. Джами (1414-1492). Эпоха, жизнь, творчество. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1949.-175 с.; Бертельс Е.Э. Джами и Наваи. – М.: Наука, 1965. – 272 с.; Болдырев А.Н. К вопросу о литературно-критических взглядах Джами и его современников // Народы Азии и Африки. 1969. № 2. – С.149-151.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: С.П.: “Диля”, 2004. – 464 с.

<sup>4</sup> Комилов, Нажмиддин. Тасаввуф. – Т.: “Movarounnahr”, “O‘zbekiston”, 2009.; Валихожаев Б. Хожа Ахрор тарихи. – Т.: “Ёзувчи”, 1994.; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: “Чўлпон”, 1991.; Сирожиддинов Ш. Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.; Сайфуллоҳ С. Буюклар халқаси (олтин силсила валийлари). – Т.: “Noshirlik yog‘dusi”, 2011.; Кенжабек М. Дунёнинг муршиди. – Тошкент, 2004.; Кенжабек М. Буюк Термизийлар. – Тошкент, 2017.; Болтаев М.Н. Абдурахман Джами о человеке, его смысле жизни и назначении. – Бухара, 1993. – 123 с.; Носиров Р. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти (Ўқув қўлланма). – Тошкент, 1996.; Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. - Ташкент: Фан, 1992. – 98 с.; Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Тошкент: “Фан”, 2021.; Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий кадрятлар. – Самарқанд, “Зарафшон”, 1992.; Каримов С. Тасаввуф фалсафаси. – Самарқанд: СамДУ, 2021. – 304 б.; Ҳусейнова А.А. “Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдурахмана Джами». – Ташкент: «MUMTOZ SO‘Z», 2016. - 136 с.; Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Накшбандия таълимоти (Ибн-ал-Арабий, Хожа Мухаммад Порсо, Хожа Ахрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий қарашлари асосида). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2020. – 324 б.

Абдурахмон Жомийнинг ёш авлод тарбияси тўғрисидаги қарашларининг ғоявий-методологик асосларини аниқлаш;

Абдурахмон Жомийнинг тасаввуф таълимотидаги ўрнини асослаб бериш;

Абдурахмон Жомийнинг рашҳа-ҳикматли сўзларининг фалсафий моҳиятини очиб бериш;

мутафаккирнинг “Баҳористон” асаридаги инсонпарварлик ғояларининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш;

Жомийнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги таълимотининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда дўстлик ғояларининг аҳамиятини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдурахмон Жомий маънавий мероси, хусусан “Баҳористон” асари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Абдурахмон Жомий инсон камолоти ҳақидаги ғояларининг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини илмий таҳлил этиш билан боғлиқ.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, тизимли ва функционал ёндашув, диалектик ва синергетик таҳлил, герменевтика каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Абдурахмон Жомийнинг аниқ ва табиий фанлар (астрономия, геометрия, алгебра)даги даражаси Қозизода Румий берган, Али Қушчининг астрономияга оид “Тазкира” асарига ёзган шарҳи, “Шарҳи мулаҳҳас” ва “Мажмуаи мурасалот” деб номланган асарларидаги тавсифлар асосида аниқланган ва унинг фалсафа тарихида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ҳалоллик, виждон, чин инсоний фазилатларни жирканч иллатларга қарши қўйиш орқали жаҳолатга қарши маърифат концепциясини амалга оширганлиги асослаб берилган;

“Баҳористон” асаридаги инсонпарварлик, тинчлик, аҳилликка оид тасаввуфий ғояларининг Баҳоуддин Нақшбанд ва Муҳаммад Порсонинг комилликка оид таълимотлари билан диалектик алоқадорлиги аниқланган ҳамда илк маротаба рашҳа-ҳикматли сўзларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти бугунги кун талаблари билан ҳамоҳанглиги очиб берилган;

Абдурахмон Жомий таълимотидаги инсон камолотига оид ғояларни ёш авлод онгига сингдириш орқали баркамол авлодни инсон қадрини улуғлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий юксалишда гуманистик тафаккур образини шакллантириш, инновацион фикрлаш маданиятини ўстиришдаги ўрни фалсафий жиҳатдан асослаб берилган;

мутафаккир тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳиятидаги оилавий тарбия, бунёдкорлик, ахлоқий тарбия, дўстлик ҳақидаги қарашлари “Баҳористон”, “Лавоёҳ” асарлари асосида турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантириш омили эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



интеллектуал салоҳияти юксак бўлган, маънавий баркамол шахс тарбияси борасида фойдаланишга оид ижтимоий видероликлар ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий ҳаётида Абдурахмон Жомий маънавий мероси таҳлили асосида огоҳлик мақоми инсонпарварлик мезонлари ва принциплари асосида амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

комил инсон тарбиясида ахлоқ, илм, тафаккурнинг ўзликни англаш борасидаги мезонлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий, тасаввуфга оид манбалардан олинганлиги, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумбашарий цивилизация, миллий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, Абдурахмон Жомий таълимотида инсон камолоти ҳақидаги ғоялар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этишда илмий, назарий-методологик жиҳатдан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Фалсафа”, “Тасаввуф”, “Дин социологияси”, “Нақшбандия тариқати асослари”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанларидан машғулотлар олиб боришда ҳамда ўқув кўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда, луғат-маълумотномалар тузиш, шунингдек, Абдурахмон Жомий таълимотида инсон камолоти ҳақидаги ғоялар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти бўйича келажакда амалга оширилиши зарур бўлган тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдурахмон Жомий таълимотида инсон камолоти ҳақидаги ғоялар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Абдурахмон Жомийнинг аниқ ва табиий фанлар (астрономия, геометрия, алгебра)даги даражаси Қозизода Румий берган, Али Қушчининг астрономияга оид “Тазкира” асарига ёзган шарҳи, “Шарҳи мулахҳас” ва “Мажмуаи мурасалот” деб номланган асарларидаги тавсифлар асосида аниқланганлиги ва унинг фалсафа тарихида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ҳалоллик, виждон, чин инсоний фазилатларни жирканч иллатларга қарши кўйиш орқали жаҳолатга қарши маърифат концепциясини амалга оширганлигига оид хулоса ва умумлашмалардан Республика “Истиқболли авлод” Ижтимоий ахборот марказининг 52-01/252-сон “Муносиб ҳаёт сари

йўл” (2018-2019 йй.) амалий лойиҳаси ҳамда “Муваффақият сари бир қадам” амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2021 йил 6 декабрдаги 18/1-664-сон маълумотномаси). Натижада, Абдурахмон Жомий маънавий меросидаги инсон камолотига оид ғояларнинг ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини тарғиб этиш ва сингдиришга хизмат қилган;

“Баҳористон” асаридаги инсонпарварлик, тинчлик, аҳилликка оид тасаввуфий ғояларининг Баҳоуддин Нақшбанд ва Муҳаммад Порсонинг комилликка оид таълимотлари билан диалектик алоқадорлиги аниқланган ҳамда илк маротаба рашҳа-ҳикматли сўзларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти бугунги кун талаблар билан ҳамоҳанглигига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг IV йўналиши “Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш чора-тадбирлари” 39-банди Ички ва ташқи таҳдидларга қарши курашиш, ғоявий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган салоҳиятли, профессионал касбий тайёргарликларга эга бўлган политехнолог кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга доир тарғибот ишларини амалга оширишда ҳамда ёшларга мафкуравий тарғиботни кучайтиришда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 16 августдаги 02/08-967-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар орасида миллатлараро дўстлик, ҳамкорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир этган;

Абдурахмон Жомий таълимотидаги инсон камолотига оид ғояларнинг ёш авлод онгига сингдириш орқали баркамол авлодни инсон қадрини улуғлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий юксалишда гуманистик тафаккур образини шакллантириш, инновацион фикрлаш маданиятини ўстиришдаги ўрнига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда, ёшлар учун махсус ижтимоий видеороликлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 сентябрдаги 2/230-сон маълумотномаси). Натижада, мутафаккир таълимотидаги инсон камолоти ҳақидаги ғояларнинг ҳозирги кундаги баркамол авлодни тарбиялашга, ҳалқимизда бебаҳо меросимизга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга, Абдурахмон Жомий қарашларини ўрганишнинг янги асосда ёндашувни таркиб топтиришга хизмат қилган;

мутафаккир тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳиятидаги оилавий тарбия, бунёдкорлик, ахлоқий тарбия, дўстлик ҳақидаги қарашлари “Баҳористон”, “Лавоёх” асарлари асосида турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантириш омили эканлигига оид хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг мамлакатда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”нинг II банди Маҳаллаларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга доир вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 1 июндаги 01-11/293-сон маълумотномаси). Натижада, оилаларда шахслараро муносабатларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда Абдурахмон Жомий маънавий меросидаги инсон камолоти ҳақидаги ғоялар, оила аъзоларининг ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар нормалари бўйича илмий-назарий, амалий хулосалар чиқаришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 5 та, хорижий журналларда 7 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Абдурахмон Жомий яшаган давр ижтимоий-маданий муҳитининг тавсифи ва мавзунинг методологик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида XIII-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-маданий ва илмий муҳит, мутафаккир илмий дунёқарашининг

фалсафий асослари, Абдурахмон Жомий ёш авлод тарбияси тўғрисидаги қарашларининг ғоявий-методологик асослари таҳлил қилинган.

Диссертацияда Шарқда XIII-XV асрларда яшаган мутафаккирлар ижодига ретроспектив ёндашув икки жиҳатга эғалиги таъкидланган. Унда бир томондан, уларнинг ҳаққоний образини қайта тиклашда мутафаккирлар яшаган даврнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий, маънавий, иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги, иккинчи томондан, мутафаккирлар ижодининг асосий детерминантларини, яъни улар ижодининг ҳозирги вақтда буюклиги ва аҳамиятини ташкил қилувчи ислом маданиятига тегишли баъзи маънавий ҳодисаларини алоҳида таҳлил қилиб чиқиш зарурлиги қайд этилган. Ҳар бир халқнинг бадиий адабиёт, фалсафа, илоҳиёт ва маънавий фаолиятнинг бошқа соҳаларини шакллантирувчи ўз тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари мавжуд. Бу соҳалар, ўз навбатида, уларни яратувчи ижтимоий-тарихий шарт-шароитларни у ёки бу даражада ўзида акс эттиради.

Тадқиқотчи фалсафа тарихига оид тадқиқотларда ҳеч бир ҳодиса ўз-ўзидан вужудга келмаслигини, ҳар қандай мутафаккир таълимотининг шаклланиши учун асос бўлган детерминистик, ворисийлик ҳолатлари мавжудлигини асослаган. Муайян мутафаккир дунёқарашининг шаклланишига макон ва замон муаммолари, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёт ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун Рудакийни X аср Мовароннахрнинг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларидан, Низомийни XIII асрда Ироқнинг ҳаётидан, Хусров Деҳлавийни XIII-XV асрлар Ҳиндистон тарихисиз ва бошқа Шарқ мутафаккирларини улар яшаган давр ижтимоий-маданий контекстидан холи тасаввур қилиш мумкин эмас.

Диссертант XIII-XV асрлар мўғуллар истилоси ва ундан сўнгги даврни ўз ичига олишини қайд этиб, Чингизхон ва унинг издошлари босқини Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари, шунингдек муғуллар истибдодида бўлган барча халқлар маиший ҳаёти ва маданиятига катта зиён келтирганига қарамасдан, XIV асрнинг охирига келиб хўжалик, маиший ҳаёт қайта тикланлигини, турмуш тарзи шаклланганлигини, маданият қайта тикланганлигини таъкидлайди. Ўша даврда Марказий Осиёда ҳамда Хуросонда нисбатан иқтисодий ва маданий юксалиш кузатилаётган эди.

Диссертацияда Абдурахмон Жомий тасаввуф фалсафасининг йирик назариётчи олими ва нақшбандийлик тариқатининг вакили сифатида тан олинishi асолаб берилган. Унинг дунёқараши диний-фалсафий характерга эга. Мутафаккир Оллоҳнинг мавжудлиги, коинот, ундаги барча нарса ва ҳодисалар, шунингдек, инсон Оллоҳ томонидан яратилганлигига ишонган. Жомий Фаробий ва Ибн Синолар сингари борлиқнинг мавжудлиги бошқа нарсага боғлиқ, шунинг учун борлиқнинг номи “имкондаги мавжудлик” - “имкон ал-вужуд”, деб ҳисоблаган. Унинг мулоҳазаларига кўра, имкондаги мавжудлик сифатида бўлган ва бошқа нарсага боғлиқ нарсанинг мавжуд бўлиши зарур нарса, яъни “вожиб ал-вужуд” бўла олмайди. Демак, вожиб ал-вужуд, бу – ҳеч қандай бошланғич асосга муҳтож бўлмаган нарса: унинг борлиги фақат унинг ўзига боғлиқ, чунки мавжудлигининг сабаби унинг ўзида, бошқа субъектга боғлиқ эмас.

Диссертант Жомий диний фалсафасида Ягона Мавжудлик – бутун оламнинг бошланғич асоси ҳисобланишини қайд этади. Жомий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини ўрнатади. У – Олий Мутлақ маънавий бошланғич асос, барча моддий ва маънавий нарса ва ҳодисаларнинг яратувчиси. У олий маънавий мавжудод сифатида маконда жойлашмайди ва вақтдан ташқарида. Абадий бошланғич асос сифатида ҳам барча ҳаракатлар, ўзгаришлар ва ҳаракатсизликнинг охириги сабабидир. Мутлақ Мавжудликни тананинг сезги аъзолари, кўриш, эшитиш орқали билиш мумкин эмас. Буни мутафаккир қуйидагича тавсифлайди: “Ягона Мавжудлик, яъни Аллоҳ, жисм ҳам, жисмоний ҳам, нарса ҳам, моддият ҳам эмас, у на чегара, на тарафга эга; уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди, чунки унга ўхшаш нарса йўқ; дунёдаги барча нарсаларни бошқа нарсага алмаштириш мумкин, фақат Худонинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. У моддий дунёга хос сифатлардан холи”<sup>5</sup>.

Тадқиқот ишида Абдурахмон Жомий ўзининг космологик қарашлари, олам ҳақидаги тасаввурларини Ягона Мутлақ бошланғич асосни бутун оламнинг сабаби сифатида эътироф қилган ҳолда бутун тафсилотлари билан асослаб берганлиги мантиқий даллиланган. У оламнинг яратилиши, пайдо бўлиши жараёнини тасаввур қилиб таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Ушбу масалада унинг қарашлари аксарият Шарқ перипатетиклари қарашлари сингари Плотин эманация таълимотининг асосий ҳолатларига тўғри келади.

Жомий ўзининг “Баҳористон” ва бир қатор асарларида бевосита ёш авлод тарбиясига алоҳида тўхталиб ўтган. Жомийнинг бу борадаги фикрлари ва ёндашувлари бугунги кунда биз учун нафақат тарбиявий аҳамият касб этади, балки методологик асос сифатида ҳам хизмат қилади. Улар шахсни тўғри шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилади.

Диссертацияда Жомий қарашларида инсон номукамалликни ва ижтимоий борлиқ иллатларини баргараф қилиб, баркамолликка интилиши кераклиги тўғрисида фикр юритилган. Шунинг учун Жомий ўз шоирона истеъдодининг кучини очкўзлик, таъмагирлик, виждонсизлик, димоғдорлик каби иллатларни қоралашга йўналтиради, турли табақаларга тегишли одамлар хатолари, иштибоҳларини кўрсатади, нарса, бойликларга эгалик қилишга олиб келадиган сабабларнинг хом ҳаёл эканлигини фош қилади. Ҳақиқий эҳром – қалбдир, тошдан қурилган уй эмас. Ҳақиқий аҳамиятга эга кадрият, бу – маънавий-ахлоқий баркамолликдир. Билим, фалсафа моддий эҳтиёжларни қондириш учун эмас, фикрлар ва интилишларни юксалтириш, Ҳақиқатга яқинлашиш учун керак.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Абдурахмон Жомий маънавий меросининг ижтимоий-фалсафий таҳлили**” деб номланиб, унда Абдурахмон Жомий ва тасаввуф таълимоти, рашҳа-ҳикматли сўзларининг фалсафий таҳлили амалга оширилган. Абдурахмон Жомий нақшбандийлик тариқатида муносиб ўринга эга бўлиб, у ёзган асарларнинг барчаси бу таълимотни ўрганиш учун қимматли муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу

---

<sup>5</sup>Чоми А. Ҳафт авранг. – Таджикистан: Литография Яковлева, 1914. – С.27.

билан бирга Жомий ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотига доир бўлган асосий манбалар билан чуқур таниш бўлган. Аллома ўзининг машхур “Нафаҳот ул-унс” асарида хожа Баҳоуддин Нақшбанд зикрида воқеалар баёнида “Мақомот”га батафсилроқ ёзилган деган иборани қўллайди<sup>6</sup>. Бу билан у Муҳаммад Боқир томонидан ёзилган “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” билан чуқур танишганлигини намоён этади.

Диссертант ислом маданиятида маънавий оқим сифатида вужудга келган тасаввуф инсонлар ақлини уйғотувчи, рағбатлантирувчи омил ролини бир неча асрлар давомида давом эттирганлигини таъкидлайди. Буни ахлоқий, эстетик ва илоҳиётга доир қадриятларнинг Жомий ижодида “синишида” кўриш мумкинлиги алоҳида қайд этилади. Тасаввуф элементлари у ёки бу даражада мавжуд бўлган мутафаккирнинг асарлари бунга рад этиб бўлмайдиган исбот бўлиб хизмат қилади. Буларга “Силсилат уз-Заҳаб” (“Олтин занжир”), “Тухфат-ул-аҳрор” (“Нуронийлар тухфаси”), “Шарҳи рубоиёт” (“Рубоийларга шарҳ”), “Лавойих” (“Лавҳа”), “Баҳористон” (“Баҳорги боғ”), “Тарикаи Хожағони - Нақшбанди” (“Хожагон Нақшбандия тариқати ҳақида рисола”), Ибн Арабий асарларига берилган шарҳлар, “Нафаҳот ал-унс мин ҳазорот ал-қудс” (“Муқаддаслик саройидан яқин дўстликнинг эсиши”) каби шоҳ асарлар киради. “Силсилат уз-Заҳаб”да – “Ҳафт авранг”даги биринчи достон – Абдурахмон Жомий тасаввуфнинг энг мураккаб ҳолатларини баён этади ва уларга шарҳлар беради, сўфийлар амалиётининг кўрсатмалари, мистик формулаларини тушунтириб беради.

Тадқиқотчи Жомий фалсафасининг ҳақиқий моҳиятини, у ишлаб чиққан маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини, инсон борлигининг инсонпарвар координаталарини тушуниш мафкуравий “қотиб қолганлик” ва бир томонлама мафкуравий, фансимон “тортиб кўтаришлар” ва “кесиб ташлашлар” шароитларида мумкин бўлмаганлигини асослаб берган. Шунинг учун бугун Жомий ижодининг бир томонига у яшаган давр фалсафий, ахлоқий-эстетик концепцияларининг унинг ижодида “синишини” кўришга уриниш долзарбдир. Нақшбандия тариқати тамойиллари одамларга буюк маънавий ва ахлоқий куч бағишлайди. Уларнинг Жомий ижодида акс эттирилиши мутафаккир шеърий меросининг шундай қирраланишини шартлаганки, умуминсоний фикр мутафаккир ижодини “жаҳон шеърияти ва фалсафаси дурдонаси” деб тавсифлайди.

Диссертант фикрича, Жомий ижодига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мутафаккирнинг рашҳалари – ҳикматли сўзлари ҳалигача ўрганилмаган ва уларнинг мазмун-моҳияти тадқиқ этилмаган. “Рашаҳот” асарида Абдурахмон Жомийнинг 20 та рашҳалари баён этилган. Фахруддин Али Сафий ушбу асарида Нақшбандия таълимотидаги улуғ пиру устозлар айтган ҳикматли сўзларни рашҳа - оби ҳаёт томчилари деб, бу сўзларнинг ҳар бири ҳаётбахш эканлигини таъкидлаган.

Диссертацияда биринчи рашҳада Жомий инсон борлиғи масаласига эътиборини қаратгани таъкидланган. Мутафаккир фикрига кўра ҳақиқат аҳли

---

<sup>6</sup> Жомий, Абдурахмони. Нафаҳот ул-унс. – Техрон, 1337. – С.248.

олдида исолат<sup>7</sup> инсон зотида бўлган шундай ҳусни жавҳарки унинг натижасида фитрат салим ва покиза бўлади. Бу билан аллома инсон зотининг вужудида жойлашган жавҳар унинг фитратига таъсир этишини кўрсата туриб, инсоннинг наслу насаби ва яшаган муҳити унинг вужудига таъсир этса-да, унинг моҳиятини ташкил этмайди, деган хулосага келади. Инсон, амирлар ва вазирлар авлодидан бўлса ҳам, ёки фисқу зулм таъсирига тушса ҳам булар унинг аслига таъсир қилолмайди.

Иккинчи рашҳада Жомий инсон вужуди масаласига ойдинлик киритади. Инсонларни табиатига унинг нафсининг ҳолати таъсир этишини кўрсатади. У инсонларни икки гуруҳга бўлади. 1. Некнафс, яъни нафси меъёрида, унинг камолотига ёрдам берувчи қувват бўлган инсонлар. 2. Баднафс, яъни нафси меъёридан ортиқ, ёмонликка хизмат қилувчи қувватли инсонлар.

Учинчи рашҳада Жомий инсонларни саховатпеша бўлиш, муҳтожлар йўқсиллар ва соилларга марҳаматли ва шафқатли бўлишга чақиради.

Тўртинчи рашҳада инсониятни тинч ва хотиржам, бахтли ва фаровон ҳаёт кўриши учун зарур бўлган асос ҳақида фикр юритилади.

Бешинчи рашҳада Абдуҳолиқ Гиждувоний томонидан асосланган Хожагон йўлининг намоёндалари учун жавонмардлик, яъни футувват аҳлининг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Олтинчи рашҳада тасаввуфнинг асосий тушунчаларидан бўлмиш муҳаббат ҳақида сўз кетади.

Еттинчи рашҳада Абдурахмон Жомийнинг зикри жаҳрияга бўлган муносабати очиб берилган.

Саккизинчи рашҳа орқали хоҳ яширин, хоҳ ошкора, баланд ёки паст овозда қалбан қилинган зикр Аллоҳга мақбул эканини уқтиради.

Тўққизинчи рашҳани яратиш жараёнида Абдурахмон Жомий тасаввуфнинг асл моҳиятини англаб, унга борлиги билан берилган пайтларга тўғри келади, у ўзининг барча нафсга тегишли жиҳатларини тўла маҳв этиб, ҳолати ҳамма нарсадан кечиш даражасига етган ва тасаввуф ҳақида кўп гапира олган.

Ўнинчи рашҳа орқали Абдурахмон Жомийнинг валийларга оид қарашларининг мазмун-моҳиятини англаш мумкин.

Ўн биринчи рашҳада “Бисмиллоҳ” – Аллоҳ исми билан деган маънони англатиши ҳақида сўз юритилади.

Ўн иккинчи рашҳада Жомий зоҳир ва ботин, шакл ва мазмун ҳақидаги фалсафий тушунчаларни таҳлил этади.

Ўн учинчи рашҳада инсон табиати, унинг жисмоний ва руҳоний тамонлари таҳлил этилган.

Ўн тўртинчи рашҳада Абдурахмон Жомий инсонни эзгу фазилатлардан бўлмиш саховатпешаликка ундайди.

Ўн бешинчи рашҳада ёшлиқдан илм олиш зарурлиги ҳақида сўз юритилади.

Ўн олтинчи рашҳада Хожагон тариқатининг афзалликлари, бу тариқатни қабул қилганларнинг донолик йўлига ўтганликлари, нодир фикрлар соҳиби бўлмишлари ҳақида сўз юритилади.

<sup>7</sup> “Исолат” арабча сўздан олинган бўлиб, маҳкам, мустаҳкам деган маънони англатади.

Ўн еттинчи рашҳада майхўрлик ва гиёҳвандлик сингари иллатлар кораланади.

Ўн саккизинчи рашҳада инсоннинг қариган чоғида бахтли яшаши ва охиратининг обод бўлиши тўғрисида фикр юритилади.

Ўн тўққизинчи рашҳада овқатланиш одоби ҳақида сўз юритилади.

Йигирманчи рашҳада Жомий Баҳоуддин Нақшбанд томонидан Нақшбандия таълимотига киритилган “Вуқуфи қалбий” – “Қалбдан огоҳ бўлиш” тамойилининг инсон камолоти учун нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Диссертацияда юқорида қайд этилган раҳшалар батафсил фалсафий таҳлил этилган бўлиб, Жомий томонидан айтилган йигирмата рашҳа – ҳаётбахш ўғитлар ёшларнинг камолоти учун зарур бўлган маънавий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши қайд этилган.

Диссертациянинг **“Мутафаккир ахлоқий ғояларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти”** деб номланган учинчи бобида “Баҳористон” асарида инсонпарварлик ғоялари, мутафаккирнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги ғояларини ёшлар тарбиясида тутган ўрни ҳамда ҳамжиҳатлик ва иттифокни мустаҳкамлашда дўстлик ғояларининг аҳамияти каби масалалар тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи Жомийнинг “Баҳористон” асари унинг бошқа асарларидан фарқли равишда умуминсоний ақидалар ва инсонпарварлик ғояларининг кўплиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. Мутафаккир рационал усулни қўллаганда таълим-тарбия, ахлоқ тарғиботчиси, ўз ахлоқий нуктаи назари ва дунёқарашига мос равишда бизни бир нарсаларга ишонтиришга ҳаракат қилаётган файласуф-сўфий образлари гавдаланади.

Диссертацияда “Баҳористон” асарининг биринчи равзасида орифлардан Абдуллоҳ Ансорий, Сарий Сақатий, Жунайд Бағдодий, Маъруф Кархий, Боязид Бистомий, Шиблий, Абдуллоҳ Тустарий, Абусаиди Харроз, Абулҳасан Нурий, Абусаид Абулхайр, Бушри Хофий, Шақиқ Балхий ва бошқалар қатори нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ҳам ибратли ҳикоятлар келтирилганлиги асосланган.

“Баҳористон” асарини эзгу ғоялар тўпланган, ҳикоят, нақл, гўзал байтлар жамланган саккиз жаннат равзаси билан қиёслаш мумкин. Бу асаридаги бунёдкор ғоялардан бири дўстлик, кечиримлилик, мураса ва адолатдир. “Баҳористон” асарида Искандар образи орқали адолатли шоҳ тасвирланган. Жомий асарда ёзадики, Искандардан сўрабдилар: “Нима сабабдан бу давлату салтанатни эгалладинг ва ундан нима топдинг?” У жавоб берди: “Душманликни йўқотиш, душманларни дўстга айлантириш ва дўстликни мустаҳкамлаш”.

Боядат мулки Сикандар, чун вай аз хусни сияр,

Душманонро дўст гардон, дўстонро дўсттар<sup>8</sup>.

*Мазмуни:* Искандарнинг мулкида шундай гўзал рафтор бўлиши керакки,

<sup>8</sup> Жомий, Абдурахмон. Баҳористон. -Душанбе: “Адиб”, 1987. –Б. 160.



Унда душманлар бир-бирига дўст бўлсинлар ва дўстларнинг дўстлиги янада мустаҳкамроқ бўлсин.

Диссертант Абдурахмон Жомийнинг ахлоққа, инсонпарварликка оид қарашларида қуйидаги аксиологик тушунчалар алоҳида ўрин эгаллашини қайд этади. 1. Эзгулик 2. Ор, номус, инсон кадри 3. Бахт 4. Муҳаббат ва шафқат 5. Масъулият.

Тадқиқот ишида инсонпарварликка оид ғоялар аллома тасаввуфий-фалсафий қарашларининг марказида тургани таъкидланган. Жомийнинг инсонпарварликка оид қарашлари инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати билан чамбарчас боғлангандир, яъни Аллоҳга бўлган муҳаббати шаклланмаган инсонда инсонларга нисбатан шафқат шаклланмайди.

Диссертацияда таҳлил этилган манбалар асосида Жомий бағрикенгликни инсонпарварликнинг ўзга кўриниши сифатида тавсифлаб, кенг маънода талқин қилиб, уни инсоннинг бутун гўзал фазилатлари ва хулқ-атворининг йиғиндиси деб билиши тўғрисида хулоса чиқарилган. Алломанинг маънавий камолотга етган инсон ҳақидаги қарашлари ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тасаввуф таълимотидаги комил инсон ғоясига мос келиши таъкидланган.

“Баҳористон” асаридаги бунёдкор ғоялардан яна бири сахийлик, очикқўнгилли бўлиш ва ўзаро ёрдамдир. Асарнинг тўртинчи равзасида химмат ва саховат эгаси бўлган Ҳотам ҳақида ҳикоят келтирилади.

Ҳотамдан сўрайдилар: “Ўзингдан ҳам қарамлироқ, яъни керакли пайтда ёрдамга тайёр бўлган бирон кишини учратдингми?” У жавоб берди: “Ҳа кўрдим бу етим ғулом эди. Унинг бешта қўйи бор эди. Мен унинг меҳмони бўлганимда мен учун барча қўйларини ҳам сўйиб меҳмон қилди”. Ҳотамдан бу воқеага гувоҳ бўлганидан кейин нима қилганлигини сўрадилар. У уч юз қизил туя ва беш юз қўй берганини айтди. Унда сен ундан кўра қарамлироқ экансан деганларига жавобан, Ҳотам шундай деди: “Ҳайҳот, у нимаси бўлса ҳаммасини берди, мен бўлсам мендаги бор нарсалардан озгина қисмини бердим холос”. Ҳикоят охирида Абдурахмон Жомий қуйидаги қитъани ёзади:

Чун гадое, ки ними нон дорад,  
Ва тамоми диҳад зи хонаи хеш.  
Беҳтар з-он бувад, ки шоҳи жаҳон,  
Бидиҳад ниме аз хазонаи хеш<sup>9</sup>.

*Мазмуни:*

Гадойким, уйида яримта нони бўлса,  
Уйидаги бор нарсани гар берса у.  
Хазинасидаги ярмини берган бўлса-да,  
Жаҳон шоҳидан кўра афзалроқдир у.

Абдурахмон Жомий бу ҳикоят орқали ёшларни, ва бутун инсониятни саховатпеша, мурувватли бўлишга ундайди ва ўзида бўлган бор нарсаларни ўзгаларнинг бахт-саодати учун эҳсон қилиш қарамлилик фазилати

<sup>9</sup> Жомий, Абдурахмон. Баҳористон. -Душанбе: “Адиб”, 1987. –Б. 67.

эканлигини айтади. У эҳсон ва саховатнинг қай миқдорда эканлиги эмас, балки иқтисоди оғир бўлса ҳам, ўзидаги бор нарсасини беришга тайёр бўлиш эзгу фазилат эканлигини уқтирмоқда.

“Баҳористон” асарининг саккизинчи равзасида чумоли ва чигиртка ҳақидаги ҳикоят келтирилган. Чумолини кўрадиларки, ўздан ўн баробар катта бўлган чигирткани кўтариш учун бел боғлаган. Бундан таажжубланиб айтадилар: “Бу чумолини кўринг, ўзини кучи етмасада оғир юкни кўтармоқда”. Чумоли бу сўзни эшитиб кулади ва шундай дейди: “Ҳақиқий эр киши юкни ўз танасининг заҳмати билан эмас, балки ҳимматининг қуввати билан тортади”. Жомий шундан кейин қуйидаги қитъани ёзади:

Боре, ки осмону замин сар кашад аз он,  
Мушкил тавон бо ёвари жисму жон кашид.  
Ҳиммат қави кун ва мадади раҳравони ишқ,  
